

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Фискал институт Стратегик  
ривожлантириш бўйича биринчи  
проректори, и.ф.д.

К.А.Юсупов  
“ 29 ” 08 2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги  
университети бошлиғи,  
профессор

Рустамбаев М.Х.  
“ 29 ” 08 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтнинг “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Иқтисодий фанлар” кафедраси ўртасида тузилган

## ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2022 йил “ 29 ” 08

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармони ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонига мувофиқ, бир томондан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт (кейинчалик матнда “Институт”) “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси мудири, и.ф.д., И.М.Ниязметов, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.н., доц. К.М.Мисиров ва иккинчи тарафдан Жамоат хавфсизлиги университети “Иқтисодий фанлар” кафедраси (кейинчалик матнда Университет) бошлиғи иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ж.Ж.Урмонов билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ

Ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этишни такомиллаштириш, ривожлантириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, янги ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий кўрсатмалар, дастур ва дарсликларни ҳамкорликда тайёрлаш, илмий-тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиш, амалга ошириш, амалиётга қўллашга кўмаклашиш, таълим йўналишларига мос инновацион ишланма ва илғор тажрибалар борасидаги илмий ишланмаларни амалиётда қўллаш, олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ва ва узлуксизликни таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ушбу Шартноманинг мақсади ҳисобланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

2.1.1. Томонларнинг ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга илмий-услубий, ташкилий ишларда ҳамкорлик қилиш;

2.1.2. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ томонларда тайёрланадиган барча мутахассисликлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва

дастурларини экспертизадан ўтказиш, уларни амалга жорий этишни ўрганиш ва тегишли ташкилий-услубий ишларни ҳамкорликда ташкил қилиш;

2.1.3. Томонлар ҳамкорликда Институт ва Университетда ўқитиладиган фанларнинг ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув-дидактик материалларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўқув жараёнига жорий этиш борасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

2.1.4. Томонларнинг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш, хусусан, уларнинг илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришни ҳамкорликда ташкил қилиш;

2.1.5. Томонларнинг иқтидорли курсантлари ва талабаларини танлаш, уларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини илмий журналлар ва бошқа илмий манбаларда чоп этилишини ташкиллаштириш;

2.1.6. Томонлар ўқитувчиларини, хусусан, ёш иқтидорли педагогларни илмий-изланувчанлик жараёнига фаол жалб этиш мақсадида, кафедра ўқитувчиларини илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фан докторлари тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда) ҳамкорликни йўлга қўйиш;

2.1.7. Ўқитувчилар, курсантлар ва талабаларга томонларнинг Ахборот-ресурс марказларидан фойдаланишга имконият яратиш;

2.1.8. Илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этишга, халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот алоқаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсант ва талабаларларни халқаро илмий ва ўқув грантларида иштирок этишларига ҳамкорликда кўмаклашиш;

2.1.9. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, курсант ва талабаларни бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларда Она ватанга муҳаббат ва садоқат, миллатимиз, динимиз ва тарихимизга ёт бўлган турли иллатларга қарши мустахкам иммунитет ҳосил қилишга қаратилган чора-тадбирларни ҳамкорликда ташкил этиш;

2.1.10. Томонларнинг таклифига мувофиқ профессор-ўқитувчиларни таълим муассасаларида ўтказиладиган Якуний Давлат аттестация комиссиялари аъзолиги ва (ёки) раислигига белгиланган тартибда жалб этиш;

2.1.11. Келишувларга мувофиқ Институтнинг етакчи мутахассисларини Университетнинг сўровига биноан ўқитиладиган иқтисодий фанлар йўналиши бўйича тегишли фанлари мавзуларидан намунавий машғулотлар ва (ёки) мастер-класслар ўтказишга жалб этиш;

2.1.12. Томонлар ҳар бири ўзларининг ахборот-ресурс таъминоти ва моддий-техник салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Ахборот-ресурс маркази, Ахборот технологиялари маркази ва Инновацион таълим технологиялари марказидан томонлар эҳтиёжларига мувофиқ фойдаланишга имконият яратиш ва бошқалар.

### III. ШАРТНОМАНING МАХСУС ШАРТЛАРИ

3.1.1. Шартнома бўйича томонлар мажбуриятларини бажариши борасида юзага келадиган низоларни ўзаро келишув орқали ҳал этадилар. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди ва имзоланган вақтдан бошлаб 3 (уч) ўқув йили давомида кучга эга бўлади.

3.1.2. Шартномага тарафларнинг розилиги билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ҳамда тарафларнинг келишувига кўра муддатидан олдин тугатилиши мумкин.


3.1.3. Амалга оширилиши маълум молиявий ресурсларни жалб қилишни тақозо этадиган айрим вазифаларнинг ижросини ташкил этиш мақсадида томонлар ўртасида ўрнатилган тартибда ўзаро қўшимча равишда тегишли шартномалар тузилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ


Манзил: Тошкент шаҳар,  
Кичик халқа йўли, 3-уй.  
Тел.: 998-71 230-90-07.  
Факс: 998-71 230-16-50.  
Индекс: 100173

Манзил. Тошкент вилояти, Зангиота  
тумани, Чорсу кўрғони  
Тел: 998-71-230-32-71  
Факс: 998-71-230-32-50  
Индекс: 100211


Фискал институт  
“Солиқлар ва солиққа тортиш”  
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.

  
“29” 08 Ниязметов И.М.  
2022 йил

Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги  
университети “Иқтисодий  
фанлар” кафедраси бошлиғи,  
и.ф.д., проф.

  
“29” 08 Ж.Ж.Урмонов  
2022 йил

Фискал институт  
“Бухгалтерия ҳисоби ва  
иқтисодиёт” кафедраси мудири,  
и.ф.д., проф.

  
“29” 08 Хотамов К.Р.  
2022 йил